

ШАРТНОМА № 300

(Ичимлик сувини етказиб бериш, оқава сувларини қабул қилиш хизматлари ва туловни амалга ошириш бўйича)

Когон шаҳар

“ 17 ” январь 2022 йил.

Бухоро сув таъминот МЧЖ Когон шаҳар булими (кейинги ўринларда “Сувоқава” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи корхона бошлиғи Н.Р.Мустафоев бир томондан ва Когон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) ўзининг низоми (ишончнома, буйруқ) асосида иш юритувчи раҳбари К.К.Ахмадова, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. “Сувоқава” “Истеъмолчи” га ичимлик сувини етказиб бериш ва оқава сувларни қабул қилиш мажбуриятини уззиммасига олади, Истеъмолчи томонидан оқава тармоғига ташланадиган оқава сувлар микдори, ичимлик суви тармоғидан сарф қилинган сув микдорига тенг қилиб қабул қилинади. “Истеъмолчи” уз урнида амалда қулланилаётган тарифлар асосида ва ушбу шартномада қайд этилган шартлари бўйича “Сувоқава” га туловларни уз вақтида тулаб бериш мажбуриятларини олади.

1.2. Ичимлик сувини етказиб бериш ва оқава сувларини қабул қилиш бўйича томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2014 йилдаги 194-сонли қорори билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқава суви чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари” га (матн давомида «Қоидалар») ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.11.2017 йилдаги “Сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати курсатиш соҳасида тулов интизомини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тугрисида” ги №5241 сонли Фармони ва ушбу соҳадаги бошқа меъерий ҳужжатлари асосида тартибга солинади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУКЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Сувоқава»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.1.1. «Истеъмолчи» ни шаҳар сув ва оқава сув тармоғига уланган инженер-техник воситалари орқали коммунал тармоғидан фойдаланиш чегарасигача ичимлик суви билан таъминлайди ва оқава сувини қувурлар орқали қабул қилади. Коммунал тармоғидан фойдаганиш чегараси «Истеъмолчи»нинг шаҳар ичимлик сув ва оқава сув узатиш тармоғига уланган жойидир.

2.1.2. «Истеъмолчи»нинг тармоққа уланган жойигача булган узига тегишли ичимлик сув ва оқава сувларни узатиш тармоғини таъмирлаш, қайта тиклаш, кенгайтириш, янгилаш ҳамда халокатларни барча сув оқувларни баргараф этиш каби ишларни амалга оширади.

2.1.3. Шаҳар сув ва оқава тармоғида зарурат тугилганида таъмирлаш, бошқа турдаги ишларни олиб бораётган ҳолларда «Истеъмолчи» ни олдиндан огоҳлантириб, ичимлик сувини бериш ва оқава сувини қабул қилишни тухтатади.

2.1.4. «Истеъмолчи» белгиланган вақтда туловни ва аванс туловини уз вақтида амалга оширмаса, шунингдек қарздорлик микдори шартнома умумий баҳосининг 10 фоизидан ошса сув таъминоти тўхтатилади.

2.1.5. Қуйидаги ҳолларда «Истеъмолчи» га хабар бермасдан туриб, сув етказишни ва оқава сувларни узатиш тула ёки қисман тухтатади:

- «Сувоқава» корхоналарида электр қуввати билан таъминлаш тухтатилганда;
- Табиий офатлар юз берганда (Форс мажор ҳолатлар руй берганда);
- Шаҳар сув тармоғида кучли халокатлар юз берганда;
- Шаҳар сув тармоқларига узбошимчалик билан уланганда;

2.1.6. Шартномада илова қилинган «Истеъмолчи»нинг сув тармоғини ва иншоотларини лойиҳасига асосланиб «Истеъмолчи»нинг ички сув улчаш асбобларини ҳолатини назорат қилиб боради, улардан тугри, техник фойдаланиш ва сақланиши шартларига амал қилинишини талаб қилади.

2.1.7. Сув улчаш асбобларнинг курсатқичини, уларнинг муҳрини сақланишини ва бутунлигини МИБ ходими иштирокида қузатиб боради. Аниқланган камчиликлар юзасидан «Истеъмолчи»нинг вакили иштирокида далолатнома тузади ва «Истеъмолчи» га амал қилиш учун курсатмаларни беради. «Истеъмолчи» юқорида курсатилган ҳужжатга қул қуйишдан бош тортса, бунда узининг ёзма эътирозини асослаб 2 кунлик муддатда тақдим этиши шарт, у ҳолда бир томонлама тузилган далолатнома қонуний ҳисобланиб, мазкур ойда ҳисоб китоб учун ҳисобхонага тулов ундиришга қабул қилинади. Агар қелгусида мавжуд қарздорлик туланмаганида, ҳужжатлар иктисодий судига белгиланган тартибда мурожаат қилишга асос бўлади.

2.1.8. Истеъмолчиларнинг гуруҳларига қараб, етказиб берилган сув ва курсатилган оқава хизматлари учун белгиланган тарифлар асосида тақдим этилган ҳисоботи юзасидан ҳисобхона тулови учун ҳужжатларни тақдим этади. Агар ҳисобот тақдим этиш жараёнида, унда хатоликлар аниқланиб, тузатиш киритилган ҳолдаги нусхаси қайтарилганида, Истеъмолчи томонидан мазкур узгартириш, тузатишлар юзасидан тузатилган ҳисоботларни 3 кунлик